

Олий маъҳадда имом-домлалар аттестациядан ўтказилмоқда



18:09 / 07.11.2023 2211

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги барча масжидлар имом-хатиб ва имом ноиблари билимлари, касб-маҳоратлари ҳамда иш фаолиятлари натижалари баҳоланмоқда.

Тошкент ислом институтида ЎМИ масъул ходимлари ва ТИИ ректори, профессор Муҳаммадолим домла Муҳаммадсиддиқов, ўқитувчилар Яҳё домла Раззақов, Фарҳод домла Жўраев, Муҳаммадрасул Валиев ҳамда ҳамкор ташкилот вакилларида иборат баҳолаш комиссияси аъзолари Тошкент вилояти имом-хатиб ва ноибларини соҳавий билим ва фаолиятини ўрганмоқдалар.

Аттестация якунларига кўра, имом-хатиб ва имом ноибларга олий, биринчи ва иккинчи даражали малака тоифалари тақдим этилади.





